

МАКТАБ ЎҚУВ РЕЖАЛАРИГА ONLINE ХАВФСИЗЛИК МОДУЛЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ

Шавкат Аҳралов

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти докторанти.

Севара Аҳророва

Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти таянч докторанти.

Аннотация. Ушбу мақолада интернет ва ижтимоий тармоқларнинг “Альфа авлод” (яъни жуда ёш болалар ва мактаб ёшидаги болалар) тарбиясига таъсири таҳлил қилинади. Мактабнинг анъанавий таълим ва тарбиядаги роли, ҳамда рақамли даврда болаларни медиа саводхонлик, рақамли саводхонлик, киберхавфсизлик ва XXI аср кўникмалари билан таъминлаш зарурати кўриб чиқилади. Шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг болаларга бўлган салбий ва ижобий таъсирлари, кибербуллинг, нотўғри маълумот тарқатиш ва гаджетларга боғлиқлик масалалари таҳлил қилинади. Мақола охирида Ўзбекистон таълим-тарбия тизими шароитига мос келадиган киберпедагогик тавсиялар таклиф этилади.

Калит сўзлар: *Альфа авлод, болалар, интернет хавфлари, медиа саводхонлик, киберхавфсизлик, мактаб роли, XXI аср кўникмалари, киберпедагогика.*

Abstract. *This article analyses the impact of the internet and social networks on the upbringing of the “Alpha generation” (very young children and school-aged children). It examines the traditional role of schools in providing education and socialization, and argues that in the digital age, schools must equip children with media literacy, digital literacy, cybersecurity awareness, and 21st-century skills. The paper also discusses the positive and negative influences of social networks on children, including cyberbullying, misinformation, and gadget addiction. At the end, cyber-pedagogical recommendations tailored to the educational and upbringing context of Uzbekistan are proposed.*

Keywords: *Alpha generation, children, internet risks, media literacy, cybersecurity, school role, 21st-century skills, cyber pedagogy.*

Сўнгги йилларда ахборот технологиялари инсоният фаолиятининг барча жабҳаларига жадал суръатларда кириб бормоқда. Бугунги кунда деярли ҳар бир инсон ҳаёти рақамли муҳит билан узвий боғлиқ ҳолга келди. Бошқача қилиб айтганда, XXI аср бутун инсоният тараққиётида рақамлаштириш асри сифатида намоён бўлмоқда. Ахборот ресурсларининг жамият ҳаётидаги роли кенгайиб, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жараёнларга таъсири чуқурлашмоқда. Ахборот технологиялари ривожини инсонлар ўртасидаги мулоқотни тезкор, очиқ ва чегарасиз қилиб, бутун жамият муносабатлар тизимини тубдан ўзгартириб юборди.

Давлат ва жамият фаолиятининг рақамлашуви интернетнинг ҳаётимиздаги мавқеини янада кучайтирмоқда. Бироқ рақамли муҳит имкониятлари билан бир қаторда муайян хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, ёзма ва визуал ахборотлар орқали ёт ва бузғунчи ғоялар — экстремизм, миллатчилик, наркомания, диний радикализм, ирқчилик каби иллатлар, шунингдек, бегона турмуш тарзи, порнографик контент ва фейк ахборотлар ёшлар онги ва ҳуқ-атворида салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ўсиб келаётган авлоднинг маънавий барқарорлиги учун жиддий таҳдид ҳисобланади.

Ўзбекистон Ҳукумати ҳам мазкур жараёнларга нисбатан тизимли чоралар кўрмоқда. Хусусан, 2024 йил 14 ноябрда қабул қилинган “Болаларни барча шаклдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун болаларни психологик, жисмоний, ижтимоий эксплуатация ва кибербуллинг ҳолатларидан муҳофаза этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилади⁸⁴. Шу билан мамлакатимизда болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш, ахборот маҳсулотларини экспертлар аккредитацияси ва контент таснифи орқали баҳолаш тизими жорий этилди.

Рақамли асрда болалар интернетдан жуда эрта фойдалана бошламоқда. Бу эса анъанавий тарбия тизимларига янги педагогик муаммоларни олиб кирмоқда. Болалар онлайн муҳитда салбий контент, кибербуллинг, ёлғон маълумотлар ва гаджетларга боғлиқлик каби таҳдидларга дуч келмоқда. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, онлайн хавфлар кўп ҳолларда анъанавий офлайн хавфларга мос келади, яъни — тажовуз, ёлғон, манипуляция ва ёлғон ахборот тарқатиш уларнинг онги ва руҳиятига таъсир қилади.

Айрим давлатлар ва халқаро ташкилотлар мазкур масалани давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаган. Масалан, Халқаро телекоммуникация иттифоқи (ITU) томонидан болалар учун онлайн хавфсизлик модуллари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг айрим компонентлари Ўзбекистонда ҳам жорий этилмоқда⁸⁵.

Анъанавий мактаб таълими асосан академик билим бериш ва ижтимоийлашувни таъминлашга йўналтирилган бўлса, рақамли даврда унинг тарбия функцияси янада кенгаймоқда. Замонавий мактаб болани нафақат билимли, балки ахборотни таҳлил эта оладиган, рақамли муҳитда масъулиятли ҳаракат қиладиган шахс сифатида тайёрлаши лозим. Бунинг учун мактаб таълим тизими қуйидаги йўналишларни қамраб олиши зарур:

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида. Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 31 майда қабул қилинган. Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган. <https://lex.uz/docs/7219502?ONDATE=18.10.2025>.

⁸⁵ <https://www.gazeta.uz/uz/2025/10/07/ict-week-uzbekistan/>

Медиа ва рақамли саводхонлик: ахборотни танқидий таҳлил қилиш, манипулятив контентни аниқлаш, фейк маълумотларни фарқлаш ва ижтимоий тармоқ алгоритмларини тушуниш;

Киберхавфсизлик маданияти: шахсий маълумотни муҳофаза қилиш, онлайн мулоқот этикаси, кибербуллинг ва интернет фирибгарлигидан сақланиш;

XXI аср компетенциялари: коммуникация, ижодкорлик ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Бу кўникмалар болаларнинг нафақат академик, балки ахборот-технологик ва ахлоқий баркамоллиги учун муҳимдир.

Бугун ижтимоий тармоқлар ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Улар мулоқот ва ижод учун майдон бўлса-да, айтилиши мумкин “норасмий педагог”, “устоз” вазифасини ҳам бажаради. Блогерлар, инфлюенсерлар ва челленжлар болаларда муайян хулқ-атвор ва турмуш моделларини тақлиф қилади, шакллантиради. Бу жараёнда ижтимоий тармоқ алгоритмлари ёшларга “эхо-камера” таъсирини яратиш, ҳақиқат ўзига маъқул фикрлар ичида сақлаб қўяди.

Бунда ўқувчиларга қаратилган бош хавфлар қаторига ўзини идеалларга таққослаш синдроми: “идеал ҳаёт” образлари орқали ишончсизлик ва стресс пайдо бўлиши; кибербуллинг: аноним муҳитда таъқиб ва таҳдид ҳолатларининг кўпайиши; фейк ахборот: факт-чекнинг механизмларининг етишмаслиги туфайли ёлғон маълумотни ҳақиқат сифатида қабул қилиш; гаджетларга боғлиқлик: экран вақтининг ортиши натижасида жисмоний фаоллик ва кўриш қобилиятининг пасайишини келтириш мумкин.

Шу сабабли мактаб, маҳалла ва оила тизими ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларида ахборот қабул қилиш маданияти, танқидий фикрлаш ва ахборотни синтезлаш компетенциясини шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мавжуд вазият умумий ўрта таълим ўқувчиларида муайян рақамли компетенциялар тизимини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Илмий адабиётни ўрганиш натижасида ёшлар рақамли муҳитда самарали фаолият юритиши учун камида учта асосий компетенцияга эга бўлишлари лозимлиги аниқланди. Булар қаторига:

1. Фойдалана олиш компетенцияси – интернет ва рақамли қурилмалардан фойдаланиш кўникмаси;
2. Таҳлил қилиш компетенцияси – маълумотларнинг дунёқараш, ҳиссиёт ва позицияга таъсирини англаш, керакли ва зарарли ахборотни фарқлай билиш;
3. Ярата олиш компетенцияси – мустақил контент ишлаб чиқиш, медиа маҳсулотлар орқали ижтимоий таъсир кўрсатиш, блог ва мультимедиа платформаларда фаол иштирок этиш.

Тадқиқотларимиз мактаб ёшидаги болалар интернетдан эрта фойдалана бошлашганлигини кўрсатмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, 10 ёшгача бўлган болаларда танқидий фикрлаш ва ахборотни филтрлаш қобилияти тўлиқ шаклланмаган бўлади.

Шу сабабли уларни назоратсиз интернет муҳитига қўйиш уларнинг руҳий ва маънавий ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Интернетда гриффинг, киберфирибгарлик, диний радикаизм, диний экстремистик сайтлар, худкушликка даъват этувчи ва тарбияга зид контентлар тез суръатда кўпаймоқда. Бу эса нафақат болалар, балки жамият хавфсизлиги учун ҳам жиддий муаммо ҳисобланади.

Буни ҳал қилиш учун эса, оила ва мактаб ҳамкорлиги – профилактиканинг асоси эканлигини таъкидламоқ жоиз. Замонавий педагогик ёндашувда болани рақамли муҳитда ҳимоя қилиш мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигига асосланиши керак. Бу ҳамкорлик:

7. Болани ўрганиш: унинг қизиқишлари ва интернетдаги хавфларини билиш;
8. Маълумот бериш: ижтимоий тармоқ механизмлари, хавф-имкониятлар ҳақида огоҳлантириш;
9. Танқидий фикрлашни шакллантириш: манбаларни текшириш ва мустақил хулоса чиқариш;
10. Ҳиссий интеллектни ривожлантириш: онлайн контент таъсиридаги ҳис-туйғуларни бошқаришни ўргатиш сингари йўналишларни ўз ичига олади.

Масалага илмий-педагогик ёндошган ҳолда хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, рақамли муҳит болалар тарбиясига кучли таъсир кўрсатмоқда; мактаблар медиа ва рақамли саводхонлик, киберхавфсизлик кўникмаларини тизимли ўргатиши шарт; оила-мактаб-жамият ўртасидаги ҳамкорлик боланинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлайди; замонавий киберпедагогика миллий тарбия тизимида янги педагогик парадигмани талаб қилади.

Илмий-педагогик тавсиялар сифатида интеграцияланган дарс модуллари – медиа саводхонлик, интернет хавфи ва онлайн этика мавзуларини дарсликларга киритиш, ўқитувчилар малакасини ошириш – киберпедагогика бўйича семинарлар ва методик қўлланмалар тайёрлаш зарур.

Айниқса, ота-оналар билан ҳамкорлик – онлайн хавфсизлик мавзусида мунтазам тренинглар ўтказиш, онлайн хавфсизлик қоидалари – болалар учун интерактив қўлланмалар ва тестлар яратиш тақозо қилинади.

Бунда адаптив таълим траекториялари – бола ёши ва қизиқишига мос интерактив ўйин ва видеоматериаллар ишлаб чиқиш, мониторинг ва баҳолаш – экран вақти ва контент турини таҳлил қилиш асосида таълим йўналишини мослаштириш ва ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш – “Болаларни барча шаклдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун нормаларини таълим жараёнига интеграция қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида. Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 31 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган.
<https://lex.uz/docs/7219502?ONDATE=18.10.2025>.
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/10/07/ict-week-uzbekistan/>
3. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил. Кириш тартиби:
<https://president.uz/uz/lists/view/4057> (Мурожаат санаси 19.01.2021 санаси)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-6079-сонли қарори.
5. Сулейманов М.Д., Бардыго Н.С., Цифровая грамотность [Текст]: учебник /. – М.:КРЕФТИВНАЯ ЭКОНОМИКА, 2019. – 324 с.
6. Stoilova M., Livingstone S., Khazbak R. Investigating Risks and Opportunities for Children in a Digital World: A rapid review of the evidence on children’s internet use and outcomes. Florence, UNICEF Office of Research – Innocenti, 2021.
7. Jang Y. et al. Online Safety for Children and Youth under the 4Cs: Risks and prevention strategies. PMC, 2023.